



**INNOVATSION TRANSFARMATSYA JARAYONLARIDA
OZIQ-OVQAT SANOATINI TADQIQ QILINISH TAHLILI**

TATU Qarshi filiali “ATDT” kafedrası o`qituvchisi

Axmedova Nilufar Farxodovna

Annotatsiya: Ushbu maqolada sanoat korxonalarini rivojlantirish, o`zgarib turuvchi raqobat muhiti va bozor sharoitlarida ekonometrik usullar va modellardan foydalanish yordamida makroiqtisodiy bashorat qilish, tavakkalchilik va noaniqlik sharoitida optimal iqtisodiy qarorlar qabul qilish, keyinchalik, bu qarorlar bajarilishini nazorat qilish masalalarining nazariy va amaliy tomonlarini o`rganishda juft regressiya modellashtirish muhim ahamiyatga ega ekanligi yoritilgan.

Kalit soʻzlar: Regressiya, modellashtirish, noaniqlik, raqamli tving, dispersiya, tannarx, mehnat samaradorligi, ish haqi, limit, juft regressiya, ko`p omilli regressiya

Жаҳонда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг жадал суръатларда ўсиб бориши, саноат хомашёси нархларининг сезиларли даражада ошиб бориши тармоқни барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Жаҳон банкининг расмий маълумотига кўра, “2020-йилда дунё бўйича ялпи ички маҳсулотнинг қисқариши 4,3 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши 4,7 фоизни ташкил этгани ҳолда, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1,7 фоизга ошди”. Бу эса, жаҳонда озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Жаҳонда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва қашшоқликни камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятидан келиб чиқиб, озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантириш борасида амалга оширилаётган тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг инновацион ёндашувларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, маҳсулот таннархини пасайтиришнинг самарали усуллари жорий этиш, корхона активлари ва қимматли қоғозларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларида техник-иқтисодий меъёрларнинг оптимал қийматларини баҳолаш йўналишларидаги илмий тадқиқотларга устувор даражада эътибор берилмоқда.





Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлашда сифат менежментини замонавий тамойилларини қўллаш, бошқарув тизимини такомиллаштиришга муҳим аҳамият қаратилмоқда. “...ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш ва ички бозорда интервенсия қилиш ҳажмлари, асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини барқарорлаштириш захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш...” каби муҳим устувор вазифалари белгиланган. Мазкур устувор вазифаларни ижросини таъминлашда озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2018-йил 16-январдаги ПФ-5303-сон «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019-йил 23-октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030-йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2021-йил 22-декабрдаги ПҚ-58-сон «Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни тадқиқ қилиш, стратегик режалаштириш ҳамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020-йил 9-сентябрдаги ПҚ-4821-сон «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021-йил 15-мартдаги ПҚ-135-сон «Ички истеъмол бозорини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 20-январдаги 37-сон «Республикада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги, 2022-йил 19-декабрдаги 716-сон «Асосий турдаги озиқ-овқат ва зарур маҳсулотлар нархлари барқарорлигини таъминлаш ҳамда маҳсулотлар хавфсизлиги ва сифатини тизимли назорат қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда





белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертатсия тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. «Xalq so‘zi» gazetasi, 2018 yil 29 dekabr № 271-272 (7229-7230) soni
2. Egger, P., (2002). An Econometric View of the Estimation of Gravity Models and the Calculation of Trade Potentials. *World Economy*, 25(2), 297–31
3. Determinants of FDI inflows: the case of Russian regions. *Ekonomika regiona [Economy of Region]*, 12(4), 1244–1252.
4. Ibragimov N.N. (2021, April). AN IMITATION MODEL OF THE DEVELOPMENT OF PUBLIC UTILITIES. In *Archive of Conferences* (Vol. 19, No. 1, pp. 18-20).
5. Ibragimov N.N. (2021, April). EMPIRICAL MODELING OF PUBLIC UTILITIES. In *Archive of Conferences* (Vol. 18, No. 1, pp. 19-20).
6. Ibragimov N.N. (2021, April). ECONOMETRIC MODELING OF PUBLIC UTILITIES. In *Archive of Conferences* (Vol. 20, No. 1, pp. 54-55).
7. Yusupovna Yu.M. Qashqadaryo viloyati iqtisodiy taxlili. ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-11li.371-374
8. Muxammadiyeva Yu. Yu. ECONOMIC ANALYSIS OF THE REGION'S POWER TO ATTRACT FOREIGN INVESTMENTS. *JOURNAL OF SCIENCE-INNOVATIVE RESEARCH IN UZBEKISTAN*. 239-243
9. Nusridinovich, I. N., & Ilhomkhojayevna, A. N. (2022). CYBER THREATS, VULNERABILITIES AND RISKS IN ECONOMIC SECTORS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(9), 139-140.
10. Yusupovna Yu.M. Qashqadaryo viloyati salohiyatini iqtisodiy tahli ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-11li.371-374
11. Muxammadiyeva Yu.Yu. ECONOMIC ANALYSIS OF THE REGION'S POWER TO ATTRACT FOREIGN INVESTMENTS. *JOURNAL OF SCIENCE-INNOVATIVE RESEARCH IN UZBEKISTAN*. 239-243
12. Ibragimov, N., Amirov, A., & Abduraxmanov, V. (2022). AXBOROT TIZIMLARINING TAHDIDGA ZAIFLIGI. *Zamonaviy dunyoda amaliy fanlar: Muammolar va yechimlar*, 1(28), 15-18.





13. Ibragimov, N. N. (2021, April). AN IMITATION MODEL OF THE DEVELOPMENT OF PUBLIC UTILITIES. In *Archive of Conferences* (Vol. 19, No. 1, pp. 18-20).
14. Ibragimov, N. N. (2021, April). EMPIRICAL MODELING OF PUBLIC UTILITIES. In *Archive of Conferences* (Vol. 18, No. 1, pp. 19-20).
15. Ibragimov, N. N. (2021, April). ECONOMETRIC MODELING OF PUBLIC UTILITIES. In *Archive of Conferences* (Vol. 20, No. 1, pp. 54-55).

